

Байъат аҳду паймони

Рӯйхат № _____

Саййидимиз ҳазрат Ҳалифат ул-Масийх V аййадаҳуллоҳу таоло бинасриҳилазиз этиборларига.

السلام عليكم ورحمة الله وبركاته

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу

Ҳузури анварга ёзма аъзолик аҳду паймони тутар эканман, ожизона тилагим шуки, мени Аҳмадийя Мусулмонлар жамоасига аъзоликка қабул қилсангиз яна камтарона дуо тилайман.

اشهدان لا اله الا الله وحده لا شريك له واشهد ان محمد عبده ورسوله

*Ашҳаду алло илоҳа иллаглоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва расулуҳ!
Ашҳаду алло илоҳа иллаглоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва расулуҳ!
Ашҳаду алло илоҳа иллаглоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва расулуҳ!
Ашҳаду алло илоҳа иллаглоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва расулуҳ!*

Бугун мен Масрур Аҳмад қўлларига қўл бириб, Аҳмадийя мусулмонлар жамоасига аъзо бўлиб кияман. Мен пухта ва комил иймон билан ҳазрат Муҳаммад Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи васаллам Хотам ан-набийиндирлар деб ишонаман. Мен ҳазрат Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний алайҳиссалоту вассаломни Ҳазрат Муҳаммад Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи васаллам ўзлари хушхабар бериб айтганлари Имом Маҳдий ва Масйҳи Мавъуд деб эътироф этаман. Мен Ҳазрат Масйҳи Мавъуд алайҳиссалоту вассалом тайинлаган байъатнинг ўнта шартини бажаришга ваъда бераман ва ҳаракат қиламан. Динни дунё ишларидан юқори қўяман. Аҳмадийя Хилофатига ҳамиша содиқ қоламан ва Масйҳи Халифаси сифатида ул зотнинг барча маъруф кўрсатмаларига амал қилишга уринаман.

استغفرالله ربى من كل ذنب و اتوب اليه

*Астағфируллоҳа раббий мин кулли занбин ва атубу илайҳ.
Астағфируллоҳа раббий мин кулли занбин ва атубу илайҳ.
Астағфируллоҳа раббий мин кулли занбин ва атубу илайҳ.
Астағфируллоҳа раббий мин кулли занбин ва атубу илайҳ.*

رب انى ظلمت نفسى واعترفت بذنبى فاغفر لى ذنوبى فانه لا يغفر الذنوب الا انت

*Рабби инний заламту нафсий ваътарафту бизанбий
фағфирлий зунубий фаиннаҳу ло йағфируззунуба илло анта.*

Эй, Парвардигорим, мен ўз жонимга зулм қилдим ва мен ўз гуноҳларимга иқрорман. Ўзинг гуноҳларимни кечиргин, чунки Сендан бошқа ҳеч кечиргувчи йўқдир.

Ариза бергувчи имзоси _____

Байъат куни _____

Ф.О.И. Адрес _____

Аҳмадиййа олий силсиласига байъат шартлари

Муаллиф

**Ҳазрат Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний Масийҳи
Мавъуд ва Махдийи Маъхуд алайҳиссалоту вассалом**

- 1) Байъат қилувчи то қабрга киргунга қадар келажакда ширкдан ўзини олиб қочишга чин дилдан аҳд қилади.
- 2) Ёлғончиликдан, зинодан, ёмон кўз билан қарашдан ва ҳар бир фисқу фужур ва зулму хиёнатдан, фитна ва исён тариқаларидан ўзини сақлайди ва нафс васваса солган вақтда қанчалик эҳтирос кучаймасин уларга бўйсунмайди.
- 3) Худо ва Расулуллоҳ ҳукмига мувофиқ кандасиз беш вақт намозни адо этади ва иложи борича Таҳажжуд намозини ўқиш ва ўз Пайғамбари карим саллаллоҳу алайҳи васалламига дуруд йўллаш ва ҳар куни ўз гуноҳларини кечишни ва истиғфор қилишни давом эттиришни ихтиёр айлайди ва чин кўнгилдан Аллоҳ таоло эҳсонларини ёд этиб, унга ҳамду сано айтишни кундалик вазифаси қилиб олади.
- 4) Аллоҳнинг барча яратганларига, хусусан, мусулмонларга ўз нафсоний жўшқинлиги туфайли тили, қўли ва бошқа йўллар билан ҳеч бир турдаги ножойиз озор бермайди.
- 5) Ранжишу роҳат, йўқотишу топиш, неъмату бало ҳолатларида ҳам Аллоҳ таолога вафодор қолади ва ҳар ҳолатда ҳам тақдирга тан беради. Унинг йўлида ҳар қандай таҳқиру аламни қабул қилиш учун тайёр туради ва бирор мусибат рўй берганида Ундан юз ўгирмайди, балки йўлида олға силжийверади.
- 6) Бидъату хурофот ва ҳаю ҳавасдан ўзини олиб қочади ва Қуръони шариф ҳукмронлигини бутунлай қабул этади ва Аллоҳнинг каломи ва Расулуллоҳ айтганларини кундалик турмушида дастурул амал деб билади.
- 7) Мутақаббирлик ва мағрурликни бутунлай ташлайди. Камтарлик ва камсуқумлик, хушхулқлик, мулойимлик ва мискинлик билан яшайди.
- 8) Дин, динга ҳурматни ва Исломга ҳамдardликни ўз жони, ўз моли, ўз иззат-обрўси, ўз авлоди ва барча яқин одамларидан ҳам азизроқ кўради.
- 9) Аллоҳнинг яратган жондорларига ҳамдardликда Аллоҳнинг йўлида машғул бўлиб қолаверади, аммо у қўлидан келганича Худо берган куч қувват ва неъматлар билан одамзодга фойда етказади.
- 10) Бу ожиз билан яхшиликка итоат этиш аҳдида тузилган холисан лиллоҳ биродарлик риштаси ўла-ўлгунча давом эттирилади, ва бу биродарлик билан боғланиш дунёвий алоқалар ва ришталарда ҳамда барча ходимона ҳолатларда мисли йҳқ энг аъло даражада бўлади.

(“Иштиҳор такмили таблиғ” 1889 йил 12 январь)